

## **INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE**

*on the theme " **Architecture is the Abode of Time** "which will be held at  
Samarkand State Architecture and Construction University*

### **ЗАМОНАВИЙ МЕЪМОРЧИЛИКДА КУРСИ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ИШЛАНМАЛАРИ**

мустақил тадқиқотчи  
Самарқанд давлат архитектура –қурилиш  
университети ( Ўзбекистон)  
**Уралов Акбарали**

**Аннотация:** Тадқиқотнинг мақсади замонавий меъморчиликда курси конструкцияларининг ўзига хос ишланмаларини аниқлаб, уларни лойиҳалаш амалиётида қўллашга тавсия беришдир. Тадқиқотда объектлар билан натурада танишиш, мавзуга доир адабиётларни ўрганиш, ҳулосалар чиқариш, курси шакллари амалиётга жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш каби усуллар қўлланилган. Мақолада замонавий меъморчилик амалиётида қўлланиладиган курсиларнинг архитектурадаги роли ва ўрни, курси конструкцияларининг турлари ва қурилиш ашёлари аниқланган. Меъморчиликда курси биноларни лойиҳалашда энг муҳим композициявий меъморий-бадий воситалар тарзида қаралиши зарур, зеро бу шакллар иморатларнинг ажралмас асосий таркибий қисмларини ташкил этади.

**Калит сўзлар:** Замонавий архитектура, курсиларнинг турлари, кон-струкциялари, қурилиш материаллари ва ашёлари.

**Кириш.** Меъморчилик назарияси ва тарихи ва, умуман, архитектура-шунослик фанида шу чокқача курси композицияларининг шаклланиши, уларнинг меъморий типологияси ва яратилишидаги тартиб-қоидалар назарий жиҳатдан яхлит бир илмий-тадқиқот тарзида ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун ҳам ўтмиш ва замонавий меъморларнинг ушбу масалага муносабати қандай ва улар ўзлари қурган биноларда курси композициялар ва конструктив қурилмаларда ишлаган, бу соҳада қандай илғор анъаналар шаклланган деган саволларга жавоб топиш ва бу меросий қадриятлардан бугунги кун меъморчилигида самарали фойдаланиш имкониятларини тадқиқ қилиш қизиқарли ва фойдали ишдир. Бугунги кунда жаҳон мамлакатлари архи-тектурасининг ҳозирги ҳолати ва келажакдаги тарракқиеига, давр талаб-ларига мос ва хос энергия эффектив бинолар қурилишига, уларда экологик тоза ва қулаймуҳитлар яратилишига эътибор бериш, бинолар эстетик дизайнини замонавайлаштириш вазифалари долзарф ҳисобланмоқда. Меъ-морлар олдидаги ана шундай вазифалардан бири иморатларнинг курси композицияларини ўрганиш ва уларни замонавийлик билан бойитиб, амалиётга тадбиқ қилишдир.

Жаҳон миқёсида архитектура назарияси ва амалиётига боғишланган хорижий илмий тадқиқотларда асосий эътибор замонавий архитектуранинг илғор ижодий йўналишларини аниқлаш, бинолар образи ва бадий дизайни, экстерьер ва интерьерларининг стилистик ҳамохонлиги, меъморий шакл-лар гармонияси, биноларнинг конструктив тектоникаси, қурилиш ва пардоз материаллари каби масалалар муҳим аҳамият касб этмоқда[3].

Мустиқилликнинг кейинги йилларида республикамизда лойиҳаланаёт-ган аксари бинолар иморатларнинг курсиси, шаклларига эътибор берилиб қурилмоқда. Бироқ, буни ўта тажрибали, етук ва юқори савияли меъмор-ларгина амалга оширмоқдалар. Архитекторларнинг асосий таркиби орасида эса бу шаклларнинг амалий бадий моҳияти, афсуски, тўлиқ англанилмаган, чунки уларнинг мазмуни ва аҳами-яти архитектура фани ва назариясида ҳам ўрганилмай келинмоқда. Оқибатда меъморий амалиётда айрим ҳолларда бадий савияси паст, композициявий заиф бўлган бино ва иншоотлар ҳам пайдо бўлмоқдаки, буни замонавий архитектурамиз учун кечирарли ҳол деб бўлмайди. Бунинг асосий сабабини биз маълум

маънода замонавий архитектура амалиёти, назарияси ва таълим тизимида шу чокқача курси шакллариининг мазмун-моҳияти тўлиқ очиб берилмаганлигида, деб тушу-намиз.


Ҳукуматимиз томонидан республикаимизда Учинчи Ренессансни шакл-лантиришнинг асосий йўналишларидан бири архитектура ва қурилиш соҳа-сини янада такомиллаштириш ҳисобланиб, бу соҳада яқин йиллар ичида кес-кин сифат даражасига эришиш вазифаси қўйилган[1]. Шунинг учун ҳам мазкур масала замонавий меъморчилик соҳасининг илму-фани ва амали-ётининг долзарб муаммоларидан бирига айланиб улгурган.

**Тадқиқот методи ва услублари.** Тадқиқот объектлари билан натурада танишиш, уларнинг ҳозирги ҳолати мониторингини ўтказиш, таснифлаш ва тизимлаш, мавзуга доир адабиётларни ўрганиб чиқиш, фотофиксация, йи-ғилган материалларни таҳлил қилиш ва илмий умумлаштириш, хулосалар чиқариш, курси шакллариини амалиётга жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш каби усуллар қўлланилган.

**Натижалар.** Замонавий меъморчиликда таккурсининг энг кенг тар-қалган тури курсидир. Курсиларнинг бир неча хиллари мавжуд. Уларнинг биринчисида курси бионинг қурилмавий қисмига кирмайди. У деворнинг пастки қисмини пардозлаш ва уни девор текислигидан қисман олдинга чиқариш йўли билан ҳосил қилинади. Иккинчи хилида эса курси бионинг қурилмавий қисмини ташкил қилиб, девор курси устига терилган ва унинг сатҳидан бироз олдинга чиқиб туради, яъни бу биринчи хилнинг тескариси ҳисобланади[2].


Таккурсининг амалий вазифасини эътиборга олиб, уни одатда девор-дан кўра қаттиқроқ ва мустаҳкамроқ материалдан ишланади. Чунончи, ғишт деворларнинг таккурсиси табиий тошдан, пардозланган деворларники гра-нитдан ишланади.

Курсиларга безак бериш мақсадида турли хил декоратив материал-лардан фойдаланилади. Курсиларни пардозлаш учун курси уланишлари мавжуд, курси уланишлари панель кўринишда бўлади. Бундан ташқари, фи-броцемент панелларидан фойдаланиб курсиларни пардозлаш мумкин, фиб-роцемент панеллари юқори мустаҳкамликга эга, музлашга чидамли, ҳаро-ратни кескин ўзгаришига чидамлидир[2] (1-расм).



**1-расм. Замонавий биноларнинг курсиси нам ўтказмаслик хусусиятига эга бўлган ва пойдевор конструкциясининг кейинги қатламларига ишлов берилган курси конструкциясининг ечими.**

Курсиларни пардозлашда ишлатиладиган энг кўп тарқалган материал винилли панеллардир. Улар турли хил рангларда таёрланиб ёлтироқ рангдаги қўшимча материаллардан тузилган ҳолда мустаҳкамлиги ва устиворликка эга ҳисобланади. Уларни камчилиги шундан иборатки, ҳароратнинг кескин ўзга-риши таъсирида мустаҳкамлигини йўқотиши мумкин. Бундай панеллардан қишда ўта совуқ иқлимларда фойдаланиш тавсия этилмайди (2-3-расмлар).



**2-расм. Замонавий биоларнинг курсиси нам ўтказмаслик хусусиятига эга бўлган ва пойдевор конструкциясини арматура деталлари билан қучайтирилган курсининг ечими.**



**3-расм. Замонавий биоларнинг курсиси нам ўтказмаслик хусусиятига эга бўлган ва пойдевор конструкциясини намлигини қочириш учун дренаж усулида қурилган курсининг конструктив ечими.**

Курсиларнинг турли хил композициялари ва шакллари, уларнинг бино вужуди массасига нисбатан пропорциялари ўта ўзгарувчанки, уларнинг тузу-лишига хос умумий бир қонуният топиш кийин. Шундай бўлсада, бизнинг куза-тувларимиз курсилар композициясига хос қуйидаги йўналишларни аниқлаш имконни берди[3] (4-расм).




**4-расм. Замонавий биоларнинг пойдевор қисмида нам ўтказмаслик хусусиятига эга бўлган қўшимча изоляцион конструкцияли курси.**

Курси бинони ер билан муқим боғлаб турувчи, бинога салобат бағи-шловчи бино қисми ҳисобланиб, у ҳамма вақт горизонтал йўналишдаги кўри-нишга эга бўлади;

Катта (айниқса, кўп қаватли) бинолар курсисининг баландлиги кичик ёки бир қаватли биноларникига нисбатан аксарият холларда катта иш-ланади;

Курсилар асосан тарихий, мумтоз меъморий, кенг тарқалган анъана-ларимиз асосида қурилган бино ва иншоотларда бинонинг пойдевори устига тикланган муқим қисми ҳисобланади. Бироқ, улар замонавий архитектура объектларида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган[5] (5-расм).




**5-расм. Биноларнинг пойдевор конструкциялари билан жихозланган ва ер ости сувларини қочириш учун дренаж трубаларидан фойдаланилган курси ечими.**

Меъморчиликда курси композицияларининг илғор анъаналарини излаб топиш, уларнинг архитектурадаги ўрни ва моҳиятини тўғри тушуниш, уларни бадиий шакллантириш ва архитектуруни яратишда биноларнинг ушбу қисм-ларини меъморий композициянинг энг муқим бадиий таркибий воситалари тарзида қариш, ҳисоблаш ва эътироф этиш бирдан юзага келмаган (6-расм).



**6-расм. Биноларнинг нам ўтказмаслик хусусиятига эга бўлган ва пойдевор конструкциясига қўшимча иссиқлик изоляцияси билан жихозланган курсиси.**

Бу масалалар асрлар давомида аста-секинлик билан тўғри тушинилиб, эътироф этилиб, уларнинг илғор, ижобий ва муваққат анъаналари шакллантирилиб келинмоқда (7-расм).



**7-расм. Биноларнинг курсисига ва пойдевор конструкциясига қўшимча ишлов берилган қурилиш материали билан безатилган курси ечими.**

Замонавий архитектурада курсининг турли хил ноанъанавий кўри-нишларини учратамиз. Масалан, курсининг девор текислигидан олдинга чиққани эмас, балки орқага силжиган кўринишидаги шакли ёки перрон типдаги подиум кўриниши ва ҳоказо[3].

Айрим замонавий биоларда пастки биринчи қават буткул йўқ ёки қисман мавжудки, унинг ўрнига бино яхлит устунларга ёки синч қозикларга таянган. Бундай ҳолатларда табиийки, курсига эҳтиёж йўқолади (8-расм).



**8-расм. Бино курсиси девор қалинлигидан бўртиб чиққан, пойдевор конструкциясиларига мос бўлган замонавий қурилиш материалларидан фойдаланилган плиткалар билан безатилган курсиси.**

Бироқ, бинони кўтариб турган ўша устунлар ва синч қозиклар ҳам ердан ўсиб чиқмайди ва устунлар қўйилади. Демак, улар ҳам маълум маънода ўз курсисига эгадир[4] (9-расм).



**9-расм. Биоларнинг табиий тошлардан ишланган курсиси.**

Мавзуга доир тадқиқот объектларини ўрганиш, улардаги курси, компо-зицияларини тадқиқ қилиш, таққослаш, ўрта асрлар меъморчилигида курси композициясининг шаклланиши, курси композициясининг ўрта асрлар меъ-морчилигидаги роли ва ўрни, қадимги дунё ва ўрта асрлар меъморчилигида курси композицияларининг турларини тадқиқ қилишдан иборатдир (10-11-12-13-расмлар).



**10-расм. Бино пойдеворининг конструкциясилари мрамир плиткалари билан пардозланган курсиси.**



**11-расм. Бинонинг табиий тошлардан бажарилган қурилиш материаллари ечимига эга курсиси.**



**12-расм. Биоларнинг пойдевор конструкциялари тош плиталаридан терилган курси.**



**13-расм. Биоларнинг курсиси оддий ғиштдан терилган ечим.**

Акрилли панеллар бу мебель сифатидаги рангда таёрланган холда ишлатиладиган материал бўлиб ҳисобланади. Унинг афзаллик томони шундан иборатки, бундай пардоз материал ёрдамида иссиқ иқлимда қуриладиган биоларнинг курсисини пардозаш мақсадга мувофиқдир, чунки акрилли панеллар юқори иссиқликка чидамли, Ўрта Осиё иқлимига мос келади



(14-расм).

#### 14-расм. Биноларнинг курсиси акрилли панеллардан ишланган ечими.

##### Хулоса

1. Меморчиликда курси шакллариға ҳозирги даврда ва келажакда ҳам бирдай, нафақат функциявий ва қурилмавий, балки композициявий бадий меъморий восита тарзида қаралган ва қаралиб келмоқда.
2. Бино курсисининг баландлиги бинонинг неча қаватлилиги ва уму-мий баландлигига мутаносиб тарзда белгиланган. Агар бино кам қаватли бўлса унинг курсиси 0,5 метрдан ошмаслиги, агар бино 5-7 қаватдан ошса, унинг курсиси 1-қават баландлигини ҳам қамраб олиши, агар у 9-12 қават ва ундан юқори бўлса бино курсисининг баландлиги икки қават ҳажмида ҳам бўлишлиги мақсадга мувофиқ.
3. Конструктив жиҳатдан иморатнинг курсиси мустаҳкам, устиворликка эга бўлиши ва зилзилабордошлиги жиҳатдан мукамал барча табиат ин-жиқлигига чидамли бўлиши керак. Курси бинони салобатли кўринишига эга конструкция ҳисобланади ҳамда курси устига қурилган бино салобатли ва гўзал, мустаҳкам кўринишга эга бўлади.
4. Архитекторлар ўзлари лойиҳалаётган бино ва иншоотлар курсиси-нинг элементлари ва конструктив ечимларига алоҳида эътибор беришлари зарур, зеро бу, меъморчиликда ўзига хос тарбиявий ва бадий - эстетик аҳа-миятга эга. Архитектуранинг юксак санъат тарзида ифодаланишида курсиси-нинг ҳам аҳамияти ва ўрни ҳам улкандир.

**Мунозара.** Қадимги ва илк ўрта асрларда қурилган биноларнинг курсилари сезиларли даражада баланд, айрим ҳолларда яхлит стилобат (платформа) кўринишларини олган. Бундай усул биноларга ер юзидан кўтарилган, фазовий маҳоботли кўриниш берган. Биноларни суфа ва плат-форма устига қуриш усули ўрта асрларда ҳам давом эттирилган. Қадимги даврларда ҳам кам қаватли ёки заллик биноларнинг курсилари деярли баланд бўлмасда ташқи деворларга нисбатан рельефли ёки контр-рельефли шаклларда, кўп қаватли биноларда эса курси ер тўла қаватли ёки биринчи қават баландлигида алоҳида бўрттирилиб қурилган. Мустақил-лик йилларида қурилган биноларнинг курсилари ҳам ана шундай кў-ринишларга эга;

##### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ-5577 сонли “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.- Тошкент, 2018.
2. Uralov Akbarali.National Traditions of Interior Architecture of Buildings of Wedding Houses. Article history: Received 10-Jan-2023 Received in revised form 15 Jan Accepted 16-Feb-2023 Available online 6-Mar-2023. pp.76-80
3. Уралов А., Каримов Э. Бинолар қурилишида курси композиция-сининг роли. // Ишлаб чиқаришнинг техник, муҳандислик ва технологик муаммо-лари ва инноватсион ечимлари. // Ҳалқаро миқёосидаги илмий-техник анжуман материаллари.-Жиззах ПИ. 29-30 октябр 2021й. 1-қисм 843-846 бетлар.
4. Uralov Akbarali, independent researcher ARCHITECTURAL SOLUTIONS OF MODERN BUILDINGS. Journal of Advanced Scientific Research (ISSN: 0976-9595) Vol.1. Issue 1 page 35.
5. Льюис П., М.Тсурумаки, М., Льюис Д. Manvae of sectioni.- 2008.